# МУСТАҚИЛЛИК ШАРОФАТИ

**ҒАЛАБА РАЙОНИДАГИ КАЛИНИН НОМЛИ СОВХОЗНИНГ ОБЛАСТЬ «ОЛТИН БОШОҚ» МУКОФОТИНИНГ ЛАУРЕАТИ ОЗОД АКБАРОВ БОШЧИЛИК ҚИЛАЁТГАН БРИГАДАСИ ПУДРАТ УСУЛИНИ МОҲИРОНА ҚЎЛЛАНИБ, ҲАР ЙИЛИ ГЕКТАРИДАН 75 ЦЕНТНЕР ВА УНДАН ҲАМ ОШИРИБ ШОЛИ ҲОСИЛИ ОЛМОҚДА**

*Илғор тажрибага кенг йўл*

БРИГАДАДА меҳнат унумдорлиги, киши бошига маҳсулот етиштириш кейинги икки йилда бир ярим баравар ошди. Маҳсулот таннархи арзонлашди, сарф-харажат кескин камайди. Бригадага тааллуқли бундай салмоқли натижалар ҳақида мисоллар кўп. Ана шу муваффақиятларга қандай қилиб эришилмоқда?

...Дастлаб 1984 йилда совхозда пудрат асосида иш юритиш тарғиб қилина бошланди. Ана шунда Озод Акбаров янги усул билан танишиб, ўн кишилик коллективи билан пудрат асосида меҳнат қилишга аҳд қилди. У бригадани тузишда одамларнинг майли, қобилиятига кўпроқ эътибор берди. Чунки коллектив бўлиб меҳнат қилгандан кейин бир вазифани ҳамма бирдек эплай оладиган бўлиши, мустақил ҳаракат қила олиши лозим эди. Шунинг учун ҳам у синовдан ўтган кишиларни бригадага жалб этди.

Асосий вазифа ҳал бўлгандек туюлди, ўшанда. Лекин бир нарса бригадирга маъқул келмасди. Чунки, ҳамон юқоридан бўладиган буйруқ кўпроқ бажариларди. Нима қилиш керак? Бригадир бу масалани кўндаланг қўйди. Бизга мустақиллик керак. Шартнома туздикми, йил охирида ваъда қилинган ҳосилни ортиғи билан қабул қилиб олинглар, тамом. Қолган ишни ўзимизга қўйиб беринг. Совхоз дирекцияси ўз сўзининг устидан чиқди. Бригадага тўла мустақиллик берилди.

— Албатта, мустақиллик деганда ҳамма нарсадан воз кечилибди-да, деб ўйласангиз нотўғри бўлади, —дейди Озод Акбаров. — Биз шоли экишдан тортиб, йиғиб-териб олингунгача мутахассислар, раҳбарлар билан маслаҳатлашиб турдик. Фақатгина кераксиз буйруқларни бажаришдан воз кечдик. Масалан, илгарилари биз экишни айтилган вақтда бошлар эдик. Икки йилдирки, шароитимизни, еримизни ҳисобга олиб ишга киришяпмиз. Ҳатто мутахассислар ҳам бизга бу борада қатъий фикрни айтишмайди. Натижа ёмон бўлаётгани йўқ. Йилдан-йилга ҳосилдорлик ортиб боряпти. Деҳқончилик учун бирмунча ноқулай келган 1987 йилда ҳам давлатга салкам 800 тонна шоли сотдик. Маҳсулотнинг сифати юқори бўлди. Ҳар бир киши ҳисобига ўртача 7 минг сўм атрофида даромад қилдик.

Бригадада меҳнатни ташкил этишнинг усуллари билан танишиб, бир нарса бизни диққатимизни тортди. Бу ерда ишчилардан тузилган бригада Совети самарали фаолият кўрсатмоқда. Ўзи бригадада ўн киши ишласа, бу совет нимага керак?

— Агар билсангиз бизда ишни асосан ана шу совет олиб боради. Масалан, ҳар бир кишига унинг меҳнатига, ишининг ҳажмига қараб маошни ҳам совет аъзолари белгилашади, — дейди О. Акбаров. — Ўтган йили совхоз дирекцияси томонидан бригадамизга 26,5 минг сўм иш ҳақи ажратилди. Раҳмат Соатов, Қўчқор Акбаров ва Бакир Қурбоновдан иборат совет аъзолари бу иш ҳақининг 10 процентини ҳар эҳтимолга қарши совхоз кассасида қолдиришни таклиф этишди. Бу ҳаммага маъқул бўлди. Қолган маблағ эса сувчи, механизатор ва ишчиларга тақсимланди. Шундай қилиб, сувчиларга ва механизаторларга 250 сўмдан, ишчиларга 232 сўмдан ойлик иш ҳақи беришга келишиб олинди. Иш ҳақи учун ажратилган маблағдан тежалган пул ҳам йил охирида устама ҳақ тариқасида ўзимизга тарқатилди.

Ҳозирги кунда бригадада асосий диққат-эътибор маҳсулот таннархини арзонлаштириш, иложи борича кам сарф-харажат билан кўпроқ ҳосил олишга қаратилмоқда. Бунга техникадан самарали фойдаланмасдан туриб эришиш мушкул. Бу соҳада ҳам бригадада катта тажриба тўпланган. Илгарилари коллективга қарашли 106 гектар ерда ишлаш учун трактор ва бошқа техника турлари марказий устахонадан олинар эди. Ҳамма нарсани ҳисоб-китоб қилиб чиққан бригада бошлиғи шундай қарорга келди: йил бўйи зарур бўладиган машина ва механизмларни ўз ҳисобимизга ўтказамиз, ўзимиз ишлатамиз. Бу таклиф ҳам барчага маъқул бўлди. Шундай қилиб, шартномада 2 та бульдозер, битта транспорт трактори, 4 та прицеп, 3 та ўрим-йиғим комбайни ҳамда битта ҳайдов трактори ажратиб бериш қайд этилди. Ҳозирги кунда бригаданинг ҳар бир аъзоси барча техникани моҳирлик билан бошқара олади, ўзлари тўлиқ ремонт қилиб, ўзлари ишлатишади, сақлашади. Буни қарангки, бу усул туфайли техникага кетадиган сарф-харажат икки баравар камайди. Техникадан фойдаланиш коэффициенти эса аксинча ошиб бормоқда, энг муҳими, унинг унуми узаймоқда.

— Яқинда совхоз дирекциясига бир таклиф киритдим, — дейди Озод Акбаров. — Коллективимиздаги ўн кишининг ҳаммаси техникани бошқаряпти. Бу яхши. Лекин уларнинг ҳужжати йўқ. Совхоз марказий устахонасида қисқа муддатли курс очиб, улар ўқитилиб, ҳужжат олишса, ишимиз янада юришиб кетар эди.

Ўринли таклиф. Буни қўллаб-қувватлаш керак. Қолаверса, бригада пудратининг асосий моҳияти ҳам бир-бирини ўрнини эгаллаб кетаверишда-ку!

Ҳозир ҳар бир коллектив ўзини-ўзи қоплаш, ўзини-ўзи маблағ билан таъминлаш ва тўлиқ хўжалик ҳисоби асосида иш юрита оладиган бўлишига эришиш асосий вазифа қилиб қўйилмоқда. Бу борадаги ишлар эса Озод Акбаров бригадасида аллақачон бошлаб юборилган. Ҳар йили мўмай даромад қилинади. Коллектив аъзолари асосий иш ҳақига қўшимча 3,5—4 минг сўмдан устама ҳақ олишади. Масалан, 1987 йилда коллектив 174,3 минг сўм даромад қилди. Бу пландагидан деярли икки баравар кўп.

— Халқимизда ҳисобини билмаган ҳамёнидан айрилар, деган яхши нақл бор, — дейди бригадир. — Бунинг маъноси катта. Ҳар бир сўмдан ўрнида фойдаланиш, ундан самара олишни ўрганиш керак. Партия XXVII съезди ва КПСС Марказий Комитетининг кейинги Пленумларида ҳам асосий масала хўжаликларнинг экономикасини мустаҳкамлашга қаратилди. Очиғини айтганда бу ишни илгарироқ бошлаш керак эди. Биз ҳозирги қувватимиз билан бемалол мустақил ҳаракат қила оламиз. Совхозимиз ҳам йилдан-йилга иқтисодий жиҳатдан мустаҳкамланиб бормоқда. Ўтган йили 5 миллион 340 минг сўм даромад қилинди. Бу яхши кўрсаткич.

Деҳқончилик ҳамиша изланишни талаб қилади. Акс ҳолда бир жойда депсиниб қолиш ҳеч гап эмас. Лекин қандай қилиб тезроқ юксалишга эришиш мумкин. Ана шу — энг муҳим аҳамиятга эга.

— Мен бу ҳақда жуда кўп ўйлайман. Менимча, аввало ҳар қандай тармоқнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш зарур, — дейди О. Акбаров —Бунингсиз юқори натижаларга эришиб бўлмайди. Бу — интенсив технология деган тушунчанинг энг муҳим бўғини, сизга тушунарлироқ бўлиши учун қуйидагича изоҳлаш мумкин. Дейлик, бир жайдари сигиримиз бор. Биз уни қанчалик сифатли қилиб, тўйдириб боқмайлик, унинг маҳсулдорлиги 2400 килограммдан ошмайди. Чунки, ўзи бу сигирнинг энг юқори сут бериш имконияти шу-да! Пахта, шоли ва бошқа экинларнинг ҳам ҳар бир навининг ўз имкониятлари бор. Биз яхши нав ёки юқори маҳсулли чорва наслини яратмасдан туриб деҳқон ёки чорвадордан осмондаги рақамларни талаб қиламиз. Ахир, бу билан ҳеч қачон мўлжалдаги натижага эриша олмаймиз-ку. Демоқчиманки, биринчи галда ҳар бир ишни бошидан пухта қилиш керак.

Бригадир ҳақ. Коллектив аъзолари бизга бугунги кунда шоличиликда ўткир бўлиб турган айрим муаммоларни айтишди, агар ана шулар ҳал этилса, биз ҳосилдорликни бемалол 80—90 центнерга етказишимиз мумкин эди, дейишди. Хўш, бу қандай муаммолар?

Биринчидан, республикамизда сўнгги йилларда бевосита шоличиликда ишлатиладиган юксак унумли техника яратилмаяпти. Масалан, ўрим-йиғимда фойдаланилаётган СКД-6, «Енисей-1200» маркали комбайнлари камқувват. Шунингдек, бизнинг шароитимизга мослаштирилмаган. Бунинг устига тез-тез ишдан чиқиб туради. «Олтой» тракторлари ҳам кучсизлик қиляпти. Бунинг ўрнига шоликорлар Т-130 ва ДТ-75 маркали тракторларни кўпроқ ажратишни сўрашмоқда.

Иккинчидан. Мана бир неча йилдирки, хўжаликда шолининг УзРОС-7-13 ва «Авангард» навлари экилмоқда. Умуман олганда бу навлар ёмон эмас. Лекин «УзРОС-7-13» нави 145—150 кунда пишиб етилади. Бу республикамиз шароити учун жуда кечдир. Аксинча, «Авангард» нави 115—120 кунда тўлиқ пишиб етилсада, пояси бўш бўлиб ётиб қолади. Ўриш қийинлашади. Бунинг устига ҳосилдорлиги ҳам анча паст. Олимлар буларни ҳисобга олиб, ҳам серҳосил, ҳам тез пишадиган навлар яратишлари лозим.

Учинчидан, хўжаликда энг ўткир бўлиб турган муаммолардан бири алмашлаб экишдир. Деҳқонларнинг фикрича, ҳозирги шароитда камида 50 процент ер озуқа экинлари билан алмашлаб экилиши керак. Акс ҳолда келгусида ҳосилдорликни ошириш, сифатли маҳсулот олиш мушкул бўлиб боради. Хусусан, Озод Акбаров бригадасида бу тадбирни бундан уч йил илгари бошлаш режаланган бўлса-да, ҳамон амалга ошмаяпти. Сабаби белгиланган план қисқартирилмаяпти. Мутасадди ташкилотлар бу масалани ҳал қилишга амалий ёрдам беришлари зарур.

— Шоличиликда бегона ўтларга қарши кураш ҳам тобора мураккаблашиб бормоқда, — дейди О. Акбаров. — Тўғри, айрим бегона ўтларга қарши гербицидлар сепилади. Лекин айрим ўтлар борки, уларни йўқотмасдан туриб, мўл ҳосил олиш мумкин эмас. Масалан, Леерсия (қиёқ ўт)ни олиб кўрайлик. Биз уни сувда юриб ўтаб чиқамиз. У шундай тез кўпаювчанки, баъзан ундан экинни тўлиқ тозалаб олиш ҳам оғир бўляпти. Бу ҳақда бир неча марта олимларга мурожаат қилдик. Лекин ҳали амалий натижа бўлгани йўқ. Ҳар ҳолда областимизда шоличилик билан шуғулланадиган илмий муассасалар ва станциялар талайгина. Бу ердаги мутахассислар биз билан ҳамкорликни кучайтиришса яхши бўларди.

Шоликорлар мавжуд муаммоларни ҳал этишга бутун ички имкониятларини ишга солишмоқда. Лекин кучлари етмаяпти. Мутасадди ташкилотлар бу таклиф ва мулоҳазаларни ҳисобга олишлари керак.

Меҳнатни ташкил этишнинг пудрат усули юксак самаралилиги билан аллақачон шуҳрат қозонган. Озод Акбаров бригадасида эришилаётган натижалар бунинг яна бир ёрқин мисолидир. Лекин пудратнинг имкониятлари янада кенг. Ҳозир бу коллектив аъзолари уни янада такомиллаштириш устида изланишяпти.

**Ф. МУҲИДДИНОВ,**
**«Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**



● **КОМСОМОЛ аъзоси Маъсуда Тўлаганова Калинин районидаги «Москва» совхози сут-товар фермасида меҳнат қилади. У бу йил ўзига биркитилган сигирлардан ўтган йилдагига қараганда анча кўп сут соғиб олишга ҳаракат қилмоқда.**
**М. АРАПОВ фотоси.**

# ЎРМОН КЎКАРМОҚДА

ОҲАНГАРОН ўрмон хўжалиги коллективи ўтган 1987 йилда катта ютуқларни қўлга киритди. Йил якунига кўра тармоқлараро Бутуниттифоқ социалистик мусобақасининг ғолиби, деб топилиб, СССР ўрмон хўжалиги министрлиги ва тармоқ ходимлари касаба союзи марказий комитетининг кўчма Қизил байроғи билан тақдирланди. Шунингдек, ўрмончиларга Фахрий диплом ва пул мукофоти ҳам топширилди.

Биз байроқдор ўрмончиларнинг айни кунлардаги ишлари билан танишдик, суҳбатлашдик. Ўрмон хўжалиги директори Анвар ака Шамсуддинов қуйидагиларни гапириб берди:

— Хўжалигимизда ўтган йили давлатга пландаги 120 минг сўм ўрнига 124 минг сўмлик кенг халқ истеъмоли моллари етказиб берилди. Мева плани 150 процентга адо этилди. Шунингдек, пландаги 108 минг ўрнига 212 минг туп мевали ва манзарали дарахт кўчатлари сотилди. Шу ҳисобга ўтган йили мўлжалдаги 37 минг сўм ўрнига 53 минг сўм соф даромад олдик.

Дарҳақиқат, ўрмончилар бир оила фарзандларидек иноқ, тотув яшаб меҳнат қилишмоқда. Улар, шунингдек, асал етиштириш, доривор гиёҳлар териб топшириш планини ҳам ортиғи билан уддалашди. Бу ерда ёрдамчи чорвачилик хўжалиги ҳам мавжуд. Ҳозир 800 бош қўй, юздан зиёд йилқи боқилмоқда. Ўтган йили қўзи олиш ва жун қирқиш плани ҳам муваффақиятли бажарилди.

Бу ерда ўз ишининг жонкуярлари ва фидоийлари бўлган ўрмончилар анчагина. Гўштсой участкасидан Абдулқосим Мамажонов, Холбой Турдиалиев, Абдусоли Рўзибоев, Борис Ким, Ризқул Раҳматуллаев, Абдукарим Қорабеков, Ирина Юнусовалар меҳнатидан ҳамма хурсанд.

Ўлкамизга баҳор ўз сепини ёймоқда. Ўрмончиларнинг иши ҳам жадаллашиб кетди. Улар яқинлашиб келаётган Бутуниттифоқ XIX партия конференциясини янги меҳнат ютуқлари билан кутиб олиш учун ҳаракат қилмоқдалар.

**А. НАВРЎЗОВ,**
**А. МАҲКАМОВ.**

## ИХТИРОЧИЛАР УЛУШИ

Чирчиқдаги «Электрохимпром» ишлаб чиқариш бирлашмасида илмий-техник тараққиётни жадаллаштиришга алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Айни кунда корхонада еттита жамоатчи конструкторлик бюролари ҳамда 69 та ижодий бригадалар фаолият кўрсатмоқда. Уларга коллективнинг 1400 аъзоси бирлашган. Биргина ўтган йилнинг ўзида олти ихтиро ва 1200 рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бунинг натижасида 2,7 миллион сўмлик иқтисодий фойда олинди.

Ишчи ва мутахассислардан Ҳ. Бабашев, Ў. Қамбаров, И. Терешенко, В. Кузьмин, Ҳ. Алимбоев ва бошқалар «Бирлашманинг энг яхши ихтирочиси» ва «Бирлашманинг энг яхши рационализатори» деган шарафли номга сазовор бўлдилар.

**А. НОСИРОВА.**

**«Тошкент ҳақиқати» материаллари изидан**

## «АВТОИНСПЕКТОР ҲАҚМИ?»

**ГАЗЕТАМИЗНИНГ ўтган йил 13 ноябрдаги сонида юқоридаги сарлавҳа остида эълон қилинган мақолага Тошкент шаҳар Давлат автомобиль инспекцияси бошқармасидан жавоб олинди. Унда шундай дейилади:**

**— Мақолани ўрганиб чиқиб, шуни маълум қиламизки, 1987 йил 22 сентябрда мотоцикл ҳайдовчиси О. Норматов мақолада қайд қилинганидек Чоштепа кўчасидан эмас, балки катта Ўзбек трактидан Тошкент шаҳрига кириб келаётганда кўча ҳаракати қоидаларининг 8.8 банди талабини бажармаган — кундуз куни аҳоли яшайдиган жойда мотоцикл чироғини ёқмасдан бошқарган.**

**У территория аҳоли яшайдиган жой бўлгани учун, автоинспектор А. Филипповнинг ҳайдовчи О. Норматовга қўйган талаби тўғри.**

*КПСС Марказий Комитети февраль (1988 йил) Пленуми қарорларини амалга оширамиз*

# МАКТАБДАН — ҲАЁТГА

Мактаб ислоҳотининг бориши район партия комитети пленумларида икки марта, бюро мажлисларида эса уч марта муҳокама қилинди. Кўрилган тадбирлар туфайли мактаб ва мактабгача тарбия муассасаларининг моддий-техника базаси бирмунча яхшиланди. Кейинги уч йил мобайнида 3300 ўринли мактаблар, 790 ўринли болалар боғчалари қурилди. Ҳозир мактабларда 22 мингдан ортиқ ўғил-қиз билим олмоқда. Икки йилдирки, ўрта мактабларнинг юқори синфларида «Информатика ва ҳисоблаш техникаси асослари» курси ўқитилаяпти. Янги ўқув йилидан олти ёшлилар ҳам мактабга жалб этилди.

Мактаб ислоҳотини амалга ошириш йўлида кўрилаётган тадбирлар ва КПСС Марказий Комитети февраль Пленуми қарорлари асосида бундан буён бажарилиши лозим бўлган вазифалар Чиноз район партия комитетининг яқинда бўлиб ўтган пленумида атрофлича муҳокама қилинди. Докладчи — район партия комитетининг биринчи секретари В. Г. Гришчук ва сўзга чиққан бошқа нотиқлар ютуқларни таъкидлаш билан бирга асосий эътиборни мавжуд муаммоларга ҳамда уларни бартараф этиш йўлларига қаратдилар.

Пленум олдидан бир қатор мактабларда ўқиш ва ўқитишнинг аҳволи чуқур ўрганиб чиқилди. Мутахассислар жумладан, 13-мактабда бўлганларида 80 та дарсни синчковлик билан кузатишди. Рус тили, она тили, математикадан ёзма ишлар ҳам олишди. Натижа шуни кўрсатдики, ўқувчиларнинг аксарияти фанларни ниҳоятда қониқарсиз ўзлаштирмоқдалар, улар берилган оддий саволларга ҳам жавоб қайтара олмадилар.

Ўқитишда янги усуллар суст қўлланаётганлиги, ўқувчиларнинг индивидуал маҳоратини оширишга эътиборсизлик билан қаралаётганлиги учун ҳам ўғил-қизларнинг билим савияси пасайиб бормоқда. Ўтган ўқув йилида район бўйича 1300 ўқувчи ўрта мактабларни тамомлаб чиқди. Лекин уларнинг атиги 132 нафари олий ўқув юртлари талабларига жавоб бера олди холос. Мактабларни олтин ва кумуш медаллар билан тамомлаган 27 ўқувчининг 10 нафари ҳам олий ўқув юртларига ўқишга кира олмади. Демак, ўқиш ва ўқитиш ишлари сифатини тубдан яхшилаш зарур. Ўқувчиларда коммунистик дунёқарашни шакллантириш, ёшларни ватанпарварлик, атеистик ва интернационализм руҳида тарбиялаш соҳасида ҳам кўп иш қилиш керак. Бошланғич партия ташкилотлари ва район комсомол комитети бу йўналишда зарур тадбирларни кўриши лозим.

— Билимнинг пойдевори бошланғич синфларда қўйилади. — деди 15-ўрта мактаб ўқитувчиси, партбюро секретари М. Неъматова. — Лекин бошланғич синфлар учун дарсликлар етишмайди. Болаларни жисмоний жиҳатдан чиниқтириш учун эса спорт зали йўқ. Ёғингарчилик кунлари дарслар ҳатто ўтилмайди. Бу ҳолат ислоҳот талабларига мутлақо жавоб бермайди. Зарур моддий базанинг йўқлиги учун ҳам кўпгина муаммолар ҳал этилмай қолаяпти.

**ЧИНОЗ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ПЛЕНУМИДАН**

Дарҳақиқат, райондаги мавжуд 48 та мактабнинг 33 таси эски биноларга жойлашган. 5 тагина мактабда ўқувчилар бир сменада ўқишаяпти. 27 та мактаб марказий иситиш системасига уланган, водопровод ва канализация йўқ. Хўжалик раҳбарлари мактабларда камдан-кам бўладилар, фарзандлар қандай шароитда билим олаётганликлари билан қизиқмайдилар. Чиноз шаҳар, Олмазор посёлка Советлари халқ маорифи муаммолари билан умуман шуғулланмай қўйган. Шунинг учун ҳам улар фаолияти район партия комитетининг VI пленумида қаттиқ танқид қилинган эди. Лекин танқид таъсир қилмаяпти.

Биргина Яллама қишлоқ Советида 9 та мактаб бор. Лекин уларнинг атиги биттаси типовой бинога жойлашган холос. Янги қурилаётган мактаблар эса кўпгина камчиликлари билан топширилаяпти. Кейин уларни тузатиш учун кўп куч ва маблағ талаб этилмоқда. Хусусан, 13-ўрта мактаб ва 6-ҳунар-техника билим юртида шундай бўлди. 1104 ўқувчига мўлжалланган 13-ўрта мактабда кам-кўстлар кўплиги учун ҳам ҳозир 470 ўқувчи ўқияпти холос.

«Чиноз» совхоз-техникуми директори ўринбосари А. Абдукаримов ҳунар-техника билим юртларида эҳтиёжга яраша кадрлар тайёрлаш зарурлигини уқтирди. Ҳақиқатан ҳам район бўйича йилига 30—40 нафар тракторчига эҳтиёж сезилгани ҳолда ўқув-ишлаб чиқариш комбинатлари ва қишлоқ ҳунар-техника билим юртлари ўн баравар кўп тракторчи тайёрлаяпти. Районда тикувчилик фабрикаси бўлмаса ҳам йилига 200 нафар ўқувчи тикувчилик касбига ўргатилаяпти. Зарур касблар эса эътибордан четда қолаяпти. Бундай ҳоллар эҳтиёжни чуқур ўрганмаслик, мактаб ва ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқанинг йўқлиги оқибатида келиб чиқмоқда. Бунга 6-қишлоқ ҳунар-техника билим юрти мисол бўла олади. Билим юрти ва хўжаликлар ўртасидаги шартнома расмиятчилик учун тузилган. Битириб чиқувчилар тақдири ҳеч кимни қизиқтирмаяпти.

— Мактаб ислоҳоти ниҳоятда оғир кўчаяпти, — деди район халқ маорифи бўлими мудири Т. Эргашев. — Бунинг учун бизни кўп танқид қилишяпти. Аммо ёрдам беришга келганда ҳеч кимдан садо чиқмаяпти. Ислоҳот талабларидан келиб чиқиб районда комплекс план тузилган эди. Лекин моддий база етарли бўлмаганлиги учун у амалга ошмаяпти. Район ижроия комитети мактабларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, ислоҳотни амалга ошириш юзасидан кўпгина қарорлар қабул қилди. Одатдагидек бу қарорлар ҳам қоғозда қолиб келаяпти. Хўжалик ва корхоналар оталиқ ёрдами кўрсатишдан ўзларини четга олмоқдалар. Ўқувчилар келажагимиз эканлигини улар унутиб қўймоқдалар.

Мактаб ислоҳоти умумхалқ иши, у ҳаммамизга дахлдор. Шунинг учун ҳам бу соҳага ҳар бир меҳнат коллективи актив ёрдам кўрсатиши керак.

Пленумда КПСС XXVII съезди талаблари асосида ижрони текшириш ва контроль қилишнинг таъсирчанлигини ошириш соҳасидаги вазифалар ҳам муҳокама қилинди. Бу ҳақда район партия комитетининг иккинчи секретари А. Сармонов доклад қилди.

Пленумда Тошкент область партия комитетининг иккинчи секретари Р. А. Попов нутқ сўзлади.

● *«Лоқайдлик гирдоби» мақоласи изидан*

# ИШ НОМИГАГИНА БЎЛМАСИН

МАНА бир неча йилдан буён Тошкент шаҳрини кўкаламзорлаштириш, дарахтзорларни кенгайтириш, айниқса, имконияти бўлган жойларда мевали дарахтларни кўпайтириш ҳақида қайта-қайта гапирилмоқда. Шуни айтиш керакки, сўнгги йилларда бу борада шаҳарда бир қатор тадбирлар амалга оширилди. Жумладан, 1987 йилнинг ўзида 1 миллион 49 минг туп дарахт экилди. Бунинг 237 минг тупини мевали дарахтлар ташкил этади.

Кўриниб турибдики, рақамлар анча салмоқли. Лекин биз шаҳар ижроия комитетининг ободонлаштириш бошқармасида бўлганимизда кўпроқ бошқа масала билан яъни экилаётган дарахтларнинг кўкариши билан қизиқдик. Чунки кўп ҳолларда шаҳар территориясида, йўл четларига ва бошқа майдонларга экилган дарахтлар каровсизликдан қуриб нобуд бўлмоқда. Бунга кўплаб мисоллар келтириш мумкин.

— Тўғри, бошқармамиз коллективи ҳали бу борада кўнгилдагидек ишламаяпти, — дейди Тошкент шаҳар ижроия комитетининг ободонлаштириш бошқармаси бошлиғининг ўринбосари Ғ. Рустамов.— Бунинг асосий сабаби боғбонларнинг етишмаслигидир. Масалан, айни кунларда бошқармада 5000 киши бевосита кўкаламзорлаштириш, дарахтзорларни парвариш қилиш билан шуғулланиши керак. Амалда эса 1200 киши меҳнат қилмоқда. Бу экилган кўчатларнинг тўлиқ кўкартиришни ҳам мушкуллаштирмоқда. Бундан ташқари бошқармамизга мутахассислар етишмайди. Бу борада ҳам амалий иш қилиш лозим.

1988 йилда ҳам Тошкент шаҳрида 1 миллион 50 минг тупдан ортиқ дарахт экиш мўлжалланган. Айни кунларда барча район, корхона, ташкилот ва муассасаларда кўкаламзорлаштириш икки ойлиги ўтаяпти. Бу тадбир Сергели, С. Раҳимов, Ленин ва Киров районларида уюшқоқлик билан ташкил этилмоқда.

Лекин шаҳардаги бир қатор йирик-йирик корхона ва ташкилотларда, районларда бу ишга етарли эътибор берилмаяпти. Масалан, А. Икромов, Октябрь, Чилонзор, Куйбишев, Фрунзе районларида, соғлиқни сақлаш бош бошқармаси, умумий овқатланиш бошқармаси, савдо бош бошқармаси, маданият бошқармаси, маиший хизмат кўрсатиш бош бошқармаси, «Главташпассавтотранс» ва трамвай-троллейбус ишлаб чиқариш бошқармаларида белгиланган тадбирлар қоғозда қолиб кетмоқда. Бу ҳақда бир неча марта таъкидланганига қарамасдан, ушбу район, муассаса ва ташкилотларнинг ишга киришмаётганликларини қандай тушунмоқ керак?

Бугунги кунда шаҳарда ўткир бўлиб турган яна бир муаммо мевали дарахтларни кўпайтиришдир. Юқорида таъкидлаганимиздек, шаҳар территориясида ҳар йили 1 миллион донадан ортиқ дарахт экилаётган бўлса-да, унинг бор-йўғи 200—250 минг тупини мевали дарахтлар ташкил этмоқда. Бизнингча, бу жуда кам. Айни вақтда кўпгина ташкилотлар, муассасалар, айниқса, хонадонлар мевали дарахт кўчатларини қидириб юришибди. Тўғри, Тошкент шаҳрининг «Тошкент гуллари» фирма магазинларида мевали дарахтларнинг савдоси уюштирилмоқда. Аммо бу магазинларда 70—80 минг туп атрофида дарахт сотилмоқда. Бу биринчидан, жуда кам. Иккинчидан, шаҳарнинг айрим районларидан марказга келиб мевали дарахт кўчатларини олиб кетиш учун ҳамма оилада ҳам имконият йўқ. Қолаверса, бу магазинлардан харид қилинган кўчатларнинг яхши кўкармаётганлиги ҳақида ҳақли эътирозлар билдирилмоқда.

Бу ҳақда газетхонлар ҳам бир неча марта ўз фикр-мулоҳазаларини билдирдилар. Масалан, Бешқайрағоч, Бирлик массивларида биронта ҳам кўчат билан савдо қилувчи дўконлар йўқ. Маҳаллаларда кўкаламзорлаштириш ойликларида наҳотки кўчма дўконлар ташкил этиб аҳолига мевали дарахт кўчатларини етказиб бериш мумкин эмас? Бизнингча, етилган бу масалани мутасадди ташкилотлар тезроқ ҳал этишлари лозим.

Хуллас, амалга оширилаётган ишлар номига, ҳисобот учун бўлиб қолмаслиги, шаҳар территориясида экилган ҳар бир туп дарахтнинг кўкаришини таъминлаш энг муҳим вазифа бўлиб қолмоғи керак.

**У. МУҲАМЕДОВ.**

# ҚАРОВСИЗ ҚОЛГАН

БИЗ яқинда Янгийўл шаҳар хўжаликларида бўлиб мевали боғлар ташкил қилишда амалга оширилаётган ишлар ва белгиланган тадбир билан танишдик. Бизга агросаноат бирлашмасининг бош агрономи Абдунаби Раҳмонқулов ҳамроҳ бўлди.

Мана мева ва узум етиштиришга ихтисослашган Энгельс номли совхоздамиз. Йўл атрофидаги боғларга назар ташлаймиз. Афсус, олмазорлар жуда сийраклашиб қолибди. Ҳалигача буталмаганидан дарахтларнинг шохлари тарвақайлаб кетган.

— Қаровсиз қолибди-ку боғлар!

— Гапнинг очиғини айтсам,— дейди бош агроном Умар Ризаев,— комбинатдан ажралиб чиққандан буёнгина ишларимиз бир мунча жонланиб қолди. Авваллари биздан пландаги мева, узумни талаб қилишарди-ю, боғларни янгилаш билан ҳеч кимнинг иши бўлмасди. Озми-кўпми ишлар қилаяпмиз. Лекин, бу ҳали кам. Бизга бу йил 20 минг туп мевали дарахт кўчати зарур. Тўғри, хўжалигимиз иқтисодий заиф, қурбимиз етмаяпти. Боғларимиз кам ҳосил бўлиб қолган. Ўтган йили планни уддалай олмадик. 650 тонна мевани кам топширдик.

«Янгиобод» совхозида ҳам ана шундай аҳволга дуч келдик. Хўжаликдаги 215 гектар боғ ва токзорлар қаровсиз қолган. Бу ерда ҳам ўтган йили план бажарилмади.

— Бизни «Лоқайдлик гирдоби» мақоласи анча сергак торттирди,— дейди экономист.— Ўтган йилдан бошлаб боғларни кенгайтиришга катта эътибор бериляпти. 78 гектар янги боғ ташкил қилдик. 22 гектар ерда шафтолизор барпо қилмоқчимиз. Ҳақиқатан ҳам хўжаликда бу хайрли ишга астойдил киришилган. Бригадаларнинг кўпчилигида меҳнатни ташкил этишнинг пудрат усули қўлланилмоқда.

Хўш, пахтачилик хўжаликларида аҳвол қандай? Масалан, Ҳ. Турсунқулов номли колхозда бир йил давомида 23 гектар янги боғ ташкил этилди. Бу йил 3 минг туп олма, 400 туп нок, 150 туп ёнғоқ, 400 туп гилос, 100 туп узумнинг хўраки навлари экишни режалашган. Мутахассислар билан гаплашганимизда, агросаноат бирлашмасидагилар боғ ораларига ишлов берадиган техника ва механизмлар олишда ёрдам беришмаётганлигини айтишди.

— Мавжуд боғларимизнинг ҳам 64 гектаригина ҳосил беряпти,— дейди қуйиниб хўжалик агрономи Б. Аслонов.— Гапнинг очиғи, биз боғларни янгилашга 5—6 йил олдин киришганимизда эди ҳозирги кундагидек ночор аҳволга тушмаган бўлардик... Биласизми, 1987 йилда пландаги 670 тонна ўрнига 92 тоннагина мева, 183 тонна ўрнига 46 тоннагина узум сотдик, холос.

Афсус ишга лоқайд муносабатда бўлиш ҳали давом этмоқда. Тимирязев номли совхоздаги аҳвол бунга мисолдир.

Қадри олтинга тенг вақт ўтиб бораяпти. Ҳадемай, чигит экиш мавсуми бошланади. Қисталанг паллада кўчат экиш ишларига қўл тегмайди. Бугун кўчат экиб боғ қилинмаса, эртага кеч бўлишини унутмаслик керак!

**Н. ТЕМИРОВ.**

# «ҚИБРАЙ» БОҒЛАРИДА

— АСТОЙДИЛ ишлайман деган кишига қишда ҳам далада юмуш топилади, дейди биз билан суҳбатда Оржоникидзе районидаги «Қибрай» совхоз-заводи 4-бўлим бошқарувчиси И. Измайлов.— Бўлимдаги мавжуд 30 гектар узумзор ораларига маҳаллий ва минерал ўғитлар солиниб юмшатилди. Эндиликда яхоб суви бераяпмиз. Шу билан бирга 280 гектар майдондаги олмазорни ҳам агрохимия қоидалари асосида дорилаб қўйганмиз. Боғларда иш қизғин. Дарахтларга шакл бериляпти. Ҳозиргача 100 гектар майдондаги олма дарахтлари қўлдан чиқарилди.

Ҳақиқатан ҳам бўлимда бўлажак ҳосилга пухта тараддуд кўриляпти. Боғбонлар яқинда бўлиб ўтган кенгайтирилган йиғилишда 2170 тонна мева топшириш социалистик мажбуриятини қабул қилдилар. Зиммага олинган мажбуриятга яраша ҳосил тўплаш учун жонбозлик кўрсатиб меҳнат қилаётган Мухтор Давлатёров, Умрбек Жабаевлар етакчилик қилаётган бригадаларда баҳорги ишлар уюшқоқлик билан олиб борилаяпти.

Бўлим боғбонлари жуда аҳил. Улар қандай иш бўлмасин уни бамаслаҳат бажарадилар. Шунинг учун ҳам уларнинг иши унумли ва баракали бўлаётир. Айниқса, бунда пудратчи звенолар аъзоларининг ҳиссаси катта. Бу звеноларга Е. Соғинбоев, Б. Айдаров, Қ. Қорақулов сингари тажрибали боғбонлар бошчилик қилишмоқда. Механизаторлар Т. Ҳайитметов, Э. Тўхтаевлар дала ишларида пешқадамлик қилиб, ҳамкасбларига намуна бўлаяптилар.

**М. БАҚОЕВ.**

